O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 4 июл, сешанба | № 27 (179) | Сотувда эркин нархда

**БУГУНГИ СОНДА:**

**ГУРУҲ ҚЎЛГА ОЛИНДИ**

**"Инсон ва қонун" газетасининг 24-сонида босилган "Адашганлар" танқидий мақоласи Тошкент шаҳар ички ишлар идоралари тизимларида кенг муҳокама этилди.**

**2-БЕТ**

# ДЕҲҚОН БИЛАН БИР САФДАМИЗ

Халқимизда дон ризқ-рўзимиз деган мақол бор. Нон эса табиатнинг буюк ва табаррук неъмати. Деҳқонларимиз кўз илғамас чексиз ва ҳадсиз далаларга яхши ниятлар билан ризқ-рўзимиз уруғини сочдилар. Ғаллазорлар улуғ денгиздек чайқалиб, тўқ бошоқларини сарак-сарак қилиб, барчамизни катта хирмон кўтаришга чорламоқда. Энди гал не машаққатлар билан етиштирилган неъматни қисқа муддатларда ва сифатли йиғиб олиш ҳамда қайта ишлашга қаратилган.

Деҳқонларимизнинг ҳалол меҳнати билан Пискент туман далаларида ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳар йилгидек туман ИИБ ходимлари ҳам ғалла далаларига сафарбар этилган. Йигитларимиз ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш, уни талон-тарож қилишга йўл қўймаслик борасида деҳқонларга камарбаста бўлмоқдалар.

Хўжалик раҳбарлари, тегишли мутахассислар билан ҳамкорликда дала майдонлари, хирмонларни текшириш, ёнғин хавфсизлигига қатъий риоя қилишни талаб этиш ва бу борада ғалла ўрим-йиғимига жалб этилган ҳар бир ишчи-хизматчининг шахсий масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин шунга қарамай айрим хўжаликларда ёнғин хавфсизлиги олдини олиш борасида камчиликларга йўл қўйилмоқда. Х.Қодиров номли жамоа хўжалигидаги айрим майдонлар 4 метр кенгликда шудгорланмаганлиги, ўт ўчириш анжомлари билан таъминланмаганлиги сабабли хўжалик раиси Т.Ҳайдаров, омбор мудири Ж.Алимқулов, бош муаҳндис Р.Эргашев ва бош ҳосилот К.Алимқуловлар Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 211-моддаси 1-қисми билан 1750 сўмдан жарима тўладилар. "Намуна" жамоа хўжалигидаги мутасадди шахслар ҳам комбайнларни бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан таъминланмаганлиги, техникалардаги электр симлари вақтинчалик уланганлиги каби масъулиятсизликлар учун юқоридагилар каби жарима тўладилар. Ғалла йиғим-теримида лоқайдликка йўл қўйган 27 нафар мансабдор шахсга ҳам маъмурий баённома тузилиб, улардан Ўз.Р МЖТКнинг 211-моддаси 1-қисми билан 42250 сўм жарима ундирилди.

Об-ҳавонинг ноқулай келиши, ҳароратнинг кескин кўтарилиши оқибатида ғалла ва ўт-ўланлар қурий бошлади. Ёнғин чиқиб кетиши хавфи туғилмоқда. Бундай нохуш ҳолатларга транспорт воситасидан чиққан учқун, сигарета қолдиқлари ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Айниқса, катта валюта эвазига келтирилган "Кейс" комбайнлари ишлаётган майдонларда ёнғинга қарши кураш қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур. ДАН бўлинмаси ходимлари томонидан дон маҳсулотларини ташишга жалб этилган транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш, уларни далалардан омборларга жўнатиш вақтида нобудгарчиликнинг ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Ғалла карвонларини омборларга махсус ДАН автомашиналари кузатиб қўймоқда. Бу борада туман ИИБ ДАН бўлинмаси йўл патрул хизмати катта инспектори, милиция капитани Нурали Мирвосилов, туман ИИБ ДАНБ маъмурий амалиёт инспектори, милиция капитани Мирзабаҳодир Мирзараимов ва бошқаларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

А.Дўстбеков номли жамоа хўжалигига бириктирилган қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, милиция подполковниги Мирзаботир Мирзараимов, участка инспектори, милиция майори Уйғун Абдуллаев ва Навоий номли жамоа хўжалиги участка инспектори, милиция майори Аҳмадхон Ҳакимовларнинг хизматдаги фидойиликлари учун хўжалик раҳбарлари миннатдорчилик билдиришди.

Шу кунларда ғаллани ўриб-йиғиб олиш ва давлатга топшириш қатъий жадвалга риоя қилган ҳолда амалга оширилмоқда. Донни жамоа хўжаликлари омборларига йиғмасдан, тўғридан-тўғри давлат қабул қилиш пунктларига жўнатишни таъминланмоқдалар. Туман ҳокимлиги, ғалла штаби аъзолари, ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари ва ички ишлар бўлими ходимлари томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар, тарғибот ва ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилганлиги натижасида ғаллани талон-тарож бўлишига йўл қўйилмади.

Далаларда ўрим-йиғим ишлари қизғин паллага кирди. Шундай экан, мавсумни кўнгилдагидек ўтиши учун оддий ишчидан раҳбаргача масъул бўлмоғи зарур.

**Шавкат ИКРОМОВ,**
**Пискент тумани ИИБ бошлиғи,**
**милиция подполковниги**

*Ғалла ризқ-рўзимиз*

# ЮКСАЛАЁТГАН ХИРМОН

Шу кунларда олтиндай товланиб ётган кенг ғалла майдонларига кўзи тушган кишининг кўнгли қувонади, кайфияти кўтарилади. Мамлакатимиз ғаллазорларида бугун ғалвир кўтарилаётган палла — халқимизни дастурхоннинг мўътабар неъмати саналмиш нон билан тўкис таъминлашга азму қарор қилган деҳқонлар, механизаторлар кунни тунга улаб тер тўкиб, хирмонларни донга тўлдираётир. Бу қайноқ меҳнат жараёнида табиийки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Айни дамларда Сирдарё вилоят прокуратураси идоралари ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг "2000 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида жонбозлик кўрсатаётирлар. Хусусан, улар донни қабул қилиш, тарози ва лабораторияларнинг стандарт талабларига риоя қилган ҳолда ишлаши, шунингдек, доннинг намлик ва ифлослик даражалари қандай баҳоланаётганини синчковлик билан кузатиб боришаётир. Сир эмас, ғалла ўрими мавсумидек айни пишиқчилик палласида тайёрга айёр қабилида иш тутадиган, эл ризқига қўл чўзадиган кимсалар ҳам топилади. Қолаверса, не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлишига, уни ёнғин хавфидан асрашга лоқайд қарайдиган омбор мудирлари, ҳатто хўжалик раҳбарлари ҳам учраб турадики, бундай ғайриқонуний ҳолатларга барҳам беришда ходимларимиз бор имкониятларини ишга солиб келмоқдалар.

Халқимизда "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур" деган ҳикмат бор. Афсуски, вилоятнинг Меҳнатобод тумани машина трактор паркидаги "шоввоз"лар бундай нақллардан бехабар кўринишади. Акс ҳолда улар мазкур МТП бошлиғининг ўринбосарлари Н.Одамбоев ва Э.Хидирбоевнинг ҳотамтойлигидан фойдаланиб, бутун бошли "Енисей" ҳамда "Нива" ғалла ўриш комбайнларини қўшни Тожикистон Республикасига "ҳашар"га ошириб юборишмасди. Начора, энди улар ўзлари пиширган "ошни" ошашларига тўғри келади. Оқолтин тумани МТП бошлиғи ўринбосари Ж.Зарипов эса оз эмас, кўп эмас 7 та созланмаган "Кейс" комбайнларини ўримга шай деб сохта маълумот бергани учун маъмурий жавобгарликка тортилиб, бармоғини тишлаб ўтирибди. Шундай фактларга Ш.Рашидов туманидаги "Истиқлол" хўжалигида ҳам дуч келдик. Хўш, йўқни бор қилиб кўрсатишдан, борини эса четга пуллаб тинчитишдан охир-оқибат ким зарар кўради?! Наҳотки, улар кўпнинг ризқидан қўрқмаса?!

Жорий йилнинг 29 майидан 3 июнгача вилоят туманларидаги ғалла қабул қилиш корхоналари ва пунктларида мавсумга тайёргарликнинг аҳволини кузатганимизда ҳам бир қатор нохуш ҳолларга дуч келдик. Хусусан, Гулистон туманидаги "Деҳқонобод" ғалла қабул қилиш пунктида ишлар ўлда-жўлда, "Кейс" комбайнларидан 4 таси ҳануз таъмирталаб. Ш.Рашидов туманидаги "Узоқов" номли ғалла қабул қилиш пунктида эса 4 та тозалаш механизмидан 2 таси умуман йўқлиги, палаткалар ҳозирланмагани аён бўлди. Ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараган хўжалик раҳбарлари, масъул шахслар расман огоҳлантирилди, қонун бузилишини зудлик билан бартараф этиш тўғрисида амрномалар берилди.

Жиддий қонунбузарликлар кўпроқ ғалла қабул қилиш пунктларида содир этилади. 11 июн куни Гулистон туман ғалла қабул қилиш пунктида 56084 кг ғаллани лаборатория анализида синфсиз деб кўрсатиб қабул қилишган. "Ўздавдонназорат" инспекцияси ходимларининг такроран анализида буғдой сифати 3-синфга тааллуқлилиги аниқланди. Қабул пунктидагиларнинг ўз шахсий манфаатларини кўзлаб иш кўрганликлари хўжаликка 205198 сўмга тушиши мумкин эди. Айни пайтда лаборатория мудири Ш.Ғоибназаров ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Прокуратура ходимларининг аралашуви туфайли намлиги ва ифлослиги давлат стандартларига тўғри келмайдиган 114 автомашинадаги ғалла қабул қилинмасдан, хўжаликлар хирмонларига қайтарилди. Ёнғин хавфсизлигини таъминламаган 91 нафар раҳбар, моддий жавобгар шахслар, ҳайдовчиларга нисбатан 138950 сўм миқдорида маъмурий жарима солинди.

Мазкур фактлар шундан далолат берадики, ҳамма жойда ҳам бирдай мамлакатимиз ғалла хирмони юксалишига астойдил бел боғлаб киришилмаган. Бирники мингга, мингники туманга, деган гап бор. Юртимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлиги, аввало, дон билан, нон билан. Хизмат вазифасига қўл учида қараган — хўжалик бошлиғи ёки механизатор, тарозибон ёки лаборатория ходими — ким бўлмасин биринчи галда умумманфаатини, мамлакатимизнинг юксалаётган хирмонига барака киришини ўйлаб, меҳнат қилмоғи лозим. Ғалла хирмонларимиз юксалган сари рўзғоримизга ҳам қут-барака киради, турмушимиз тўкислашаверади.

**Турғун ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Сирдарё вилоят прокуратураси**
**умумий назорат бўлими бошлиғи,**
**адлия кичик маслаҳатчиси**





*Мустақиллик иншоотлари*

# БИР МАСКАНКИ...

**Каттақўрғоннинг кун чиқар томонида туманни Самарқанд билан боғловчи Жума автомабил йўли ёқасида Қозоқовул деган кичик қишлоқ жойлашган. Бу ерда Каттақўрғон шаҳар транспорт касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. Унинг мавжудлиги қишлоқ ҳуснига гўзал ҳол бўлиб тушган. Марказий шаҳарлардаги ҳар қандай ўқув юртлари билан беллашувчи шинам бинолари манзарали ва мевали дов-дарахтлар билан қопланган. Обод бу маскан беихтиёр диққатингизни ўзига тортади. Ўн етти гектар майдонда ястаниб турган бу муассаса айниқса, замонавий транспорт воситаларини ўрганишга иштиёқманд ёшларнинг том маънодаги иккинчи уйига айланиб бормоқда.**

**Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги"ги қонуни ҳамда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни амалга ошириш ҳукуматимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Мазкур коллеж ҳам ана шу тадбирлар ижросини таъминлашга қаратилган.**

**Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш, юк ташишни ташкил этиш ва автомабил транспорт ҳаракатини бошқариш, бухгалтерия ҳисоби, давлат автомабил назоратини ҳуқуқий ва маъмурий фаолияти йўналишлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаймиз, - дейди коллеж директори Шавкат ака Бобомуродов. Олти юздан ортиқ ўқувчига элликдан зиёд фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталари касб сирларини ўргатишяпти.**

**Коллеж бир пайтлар ҳунар-техника билим юрти бўлган Кейинчалик ҳунар лицейига айлантирилган. Ўтган ўқув йилидан бошлаб касб-ҳунар коллежи мақомини олди. Самарқанд вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бўлими буюртмачи бўлиб, Бош пудратчи Каттақўрғон 9-кўчма қурилиш колоннаси бинокорлари бу ерда 220 миллион сўмлик реконструкция ишларини бажардилар. Иккита уч қаватли ўқув биноси, иккита икки қаватли ётоқхона қайта таъмирланди. Республика Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази коллежни олтмиш миллион сўмлик жиҳозлар билан таъминлади. Жанубий Корея республикасидан "Дамас", "Тико", "Нексия" автомбилларининг бир ярим миллион сўмлик двигател ва агрегатлари қирқими билан келтирилди. Бундан ташқари ёшларнинг ўрганишларига қулай бўлган кўргазмали воситалар ҳам берилди.**

**"Пентиюм-II" компьютер хонаси, "Дамас", "Тико", "Нексия" автомобилларининг двигател ва агрегатлари алоҳида ўқув кабинетларига жойлаштирилганлиги, қирқ тўртта турли русумдаги юк ва енгил автомашиналарининг мавжудлиги, бой китоб фондига эга кутубхона борлиги ёшларни касб сирларини тез ва мукаммал ўрганишга етарли шароит тайёрланганлигидан гувоҳлик беради. Коллеждаги барча ўқув кабинетлари замонавий жиҳозлар билан безатилган. Радиоузел ташкил этилиб, ўқув кабинетларига уланган. Коллеж ўз телемарказини ишга тушириш арафасида турибди.**

**- Телемарказ фаолиятидан янги ўқув йилининг биринчи кунидан бошлаб фойдаланамиз, - дейди директорнинг ўқув-ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Содиқ Шокиров. - Ўқитувчи телемарказга тегишли мавзу бўйича буюртма беради ва шу асосида видеокассета орқали кўрсатув берилади. Халқимизда "Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши" деган нақл бор-ку?**

**- Бундан икки ой муқаддам вазирликнинг ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази "Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва бошқариш" касби бўйича "Энг яхши мутахассис" республика кўрик-танловини коллежимизда ўтказганди,- дейди Ш.Бобомуродов. -Ўн тўрт жамоадан йигирма саккиз ўқувчи иштирок этган бу тадбирда ўқувчиларимиздан Муҳиддин Раҳмонов биринчи, Аслиддин Норматов иккинчи ўринни эгалладилар. Бошқа иштирокчилар ва меҳмонларда коллежимиз ўқувчиларига автомабилларни бошқаришни ўрганиш учун жиҳозланган уч ярим гектарлик майдон хуш келди.**

**Коллеж педагогик жамоаси ёшларни ватанга миллий анъаналаримизга садоқат, она-юртга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга жиддий эътибор қаратмоқда. Ёшларнинг бўш вақти улар онгини, жумладан, ҳуқуқий билим ва маданиятини шакллантириш, мустақил, эркин фикрлаш, ташаббускор бўлишга йўналтирилмоқда. Яқин вақтлар ичида "Самкўчавто" "Ўзбекистон-Туркия" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган транспорт воситалари билан коллеж янада бойитилиши режалаштирилган.**

**Қурилаётган фуқаролик жамияти шу жамиятда яшовчилар дунёқараши шаклланиши билан аҳамиятли. Одамлар дунёқарашини шакллантириш учун эса йиллар керак. Шубҳасиз, Каттақўрғон шаҳар транспорт касб-ҳунар коллежи ёшлар дунёқарашини шакллантирилаётган маскан бўлиб қолади.**



Коллеж бинолари кўриниши.



Махсус фан ўқитувчиси Вали Шодиев "Нексия" автомобили двигатели тузилиши бўйича сабоқ бермоқда.

***Абдуҳамид Худойбердиев,***
***"Инсон ва қонун" мухбири***

# МАТБУОТ-МАЪРИФАТ НАМУНАСИ

Маълумки, куни кеча демократик жараёнлар тобора чуқурлашиб бораётган мустақил мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами кенг миқёсда нишонланди. Шу куни пойтахтдаги Мирзо Улуғбек номидаги сўлим боғда байрам тантаналари ва сайли бўлиб ўтди. Ўзбек миллий матбуоти ва матбуотчилигининг жонкуярлари, радио-телевидение ходимлари жамулжам боққа қалам аҳлини қутлаш мақсадида вазирликлар, идоралар, ташкилот ва муассасалар вакиллари ташриф буюрди.

"Тўртинчи ҳокимият" деб эътироф этилаётган фидойи касб эгалари шаънига йўлланган қутловлар, айниқса, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг табриги журналистларимиз қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини алангалатиб юборди. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, мазкур табрик матубот ходимларини янги ва юксак фикрлар билан яшашга, халқ тафаккурининг қудрати нимадалигини, матбуот ҳақиқий маърифат намунаси эканлигини англашга ундайди.

**Ўз мухбиримиз**

Эзгуликнинг кечи йўқ

## ИЖОДИЙ МУВАФФАҚИЯТ ЁР БЎЛСИН

Қадрли "Ҳаёт ва қонун" журнали ва "Инсон ва қонун" газетаси ижодкорлари! Сизларни касб байрамингиз — 27 июн Матбуотчилар куни муносабати билан муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва хурсандчилик, оилавий тотувлик тилаймиз.

Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан юксалиши йўлида, ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишда қўшаётган ҳиссангизни эътироф этиб, келгуси ишларингизда омад тилаймиз.

**Ҳурмат билан**
**А.ЮСУПОВ,**
**Андижон вилоят адлия бошқармаси жамоаси номидан**

**ТАҲРИРИЯТДАН: Матубот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами арафасида юқоридагидек табриклар таҳририятимизга "дарёдек оқиб" келиб турди. Эътибор қилиб бир оғиз ширин сўзи ва самимий тилагини аямаганлар орасида адлия бошқармалари, вилоят прокуратуралари, судлари, илмий ва ўқув жамоалари, кўплаб ижодкор ва алломалар, вазирлик ва маҳкамалар, ишчи, ўқувчи, талаба ва кўплаб муштарийлар бор. Айём кунлари бундай илиқ тилаклар жамоамиз аъзоларига илҳом бахш этди. Шу билан бирга масъулиятни янада ошириш, эътиборга лойиқ бўлиш ҳиссини пайдо қилди. Ижодий жамоамиз уларнинг барчасига ўз миннатдорчилигини билдиради, "гавҳар сўзларингиз, эзгу тилак-ниятларингиз ўзингизга ҳам ҳамроҳ бўлсин" дейди. Биргаликда ҳуқуқий онг ва маданиятимизни оширишда бирдамлик, ҳамкорлик тилаб қолади.**

**Яратувчилик қўйнида ҳар кунингиз байрам бўлсин!**

*Гиёҳвандлик-иллат*

# ЭНГ ДОЛЗАРБ МУАММО

**Яқинда Жаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Антонелла Деледда хоним БМТ бош котиби Кофи Аннаннинг жаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, гиёҳвандлик, у билан боғлиқ уюшган жиноятчилик, айниқса, терроризм, экстремизм XXI аср бўсағасида жаҳон жамоатчилигининг олдида турган энг долзарб муаммолар эканлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.**

**Йиғилиш сўнггида ушбу муаммонинг олдини олишда самарали меҳнат қилган республикамиз ҳуқуқ-тартибот, соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳи ваколатхонанинг махсус эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шундан сўнг ваколатхона мутасадди ходимлари оммавий ахборот воситалари ходимлари берган саволларга жавоб бердилар.**

**О.ХУДОЙБЕРДИЕВ**

Тавба

# ИЗЗАТИНИ БИЛМАГАН КУЁВ

## гўё меҳмон бўлиб келганди, ўн беш йилга кетди



Баъзида ташқи кўриниши дуппа-дуруст, аммо ички дунёси ўзбекчиликка тамомила зид, инсонлик шаъни қадр-қиммати бир пулга арзимайдиган одамларни учратаркансан. Бундан бир неча йил муқаддам ўз қариндошлари, ёр-жўралари қуршовида келин тушуриб кетиш учун маҳаллага келган куёв бир кун келиб қайнота-қайнона яшайдиган кўчага, уларни қўшниларининикига ўғирликка тушса бу қандай бедодлик? Қачонки, маҳалла аҳли "Ана, куёв келяпти", дея кўриниши билан ҳурматини ўрнига қўйса, яхши сўзларини аяшмаса-ю...

Каттақўрғон шаҳар Усмон Юсупов кўчасида яшовчи Шуҳрат Рўзиев Оқтош шаҳридан уйланганди. Икки фарзандли бўлишди. Шуҳрат эл ишонч билан қарайдиган ишда ишларди. У Каттақўрғон шаҳар Ҳожи Қурбон маҳалласи халқ посбони эди. Қарангки, халқнинг тинчлигини, осойишталигини қўриқлайдиган Ш.Рўзиевнинг ўзи жиноят кўчасига қадам босди. Шу йилнинг 25 январида 16 калибрли отишга яроқли қиркма ов милтиғини уч дона ўқ-дориси билан кийимлари орасига яшириб, Оқтош шаҳар Исломобод кўчасида яшовчи қайнотасиникига меҳмонга келади. Тун ярмидан ошгач, мезбонларнинг ширин уйқудалигидан фойдаланиб, писиб кўчага йўл олади. Юзига қора матоҳдан ниқоб таққан, қўлига қўлқоп кийган, қиркма ов милтиқ ва ўқ-дори, қайирма пичоқ билан қуролланган Шуҳрат Рўзиев фуқаро Бахтиёр Очиловнинг ҳовлисига девордан ошиб киради. Электр ҳисоблагичдан чироқларни ўчиради, уйга кириб телефон симларини қирқади.

Уй бекаси қандайдир шарпани сезиб хонадон соҳибини уйғотади. Электр бурагичини чиқиллатади. Чироқ ёнмайди. Бахтиёр укаларини исмларини айтиб чақиради. Ҳеч ким жавоб бермагач хоналарни кўриш учун ичкарига юради. Уйдаги шарпа "Яқинлашма, отаман" дея милтиқни Бахтиёрга тўғирлайди, пул топиб беришликни талаб қилади. Бахтиёр ўз оила аъзоларини ҳимоя қилиш мақсадида қоронғулик қаърида турган кимсанинг қўлларига ёпишади. Жиноятчи шипга қаратиб ўқ узади. Сўнг яна муштлашиб, ёқалашиб супага чиққанларида Шуҳрат қўлидаги пичоқни Бахтиёрнинг чап биқинига уради ва унга соғлиғи бузилишига сабабчи бўлган тан жароҳат етказади. Укалар, қўни-қўшнилар ёрдамга келиб иззатини билмаган куёвнинг жинояти интиҳосини топади.

***Ҳукм ўқилди. Ш. Рўзиевга жиноий қилмишига яраша жазо тайинланди. Уйланиб қоласан. Маънавий тубанлик деганлари шунчаликми? Бойлик илинжида ҳеч нарсадан тап тортмаётган одамлар орамизда қандай пайдо бўляпти? Ота-боболаримизнинг қадимий қариндошлик меҳр ришталари Шуҳратдек бадафс кимсалар томонидан нега узилиб кетяпти? Меҳмонга келиб, ўн беш йилга озодликдан маҳрум бўлган Шуҳрат Рўзиевнинг куракда турмайдиган жиноий иши ўзгалар бойлиги эвазига текин турмушни орзу қилувчи баъзи хаёлпараст кимсаларга сабоқ бўлмоғи керак.***

**Сайфулла АБДУЛЛАЕВ,**
**Нарпай туман суди раиси вазифасини бажарувчи**



Гиёҳвандлик - иллат

# ПУЧГА ЧИҚҚАН ХАЁЛЛАР

Сир эмаски, гиёҳвандлик моддаси уни истеъмол қилган кишини аввал шер, кейин эса эл ичра шарманда-ю, шармисор этиб, оқибатда қаро ер қилади. Ёши олтмишга бориб қолган наманганлик Собирхон Хожиматовни гиёҳвандлик моддаси - нашани истеъмол қилишга нима мажбур этди? Ёки унинг таниши Маҳаматхон Яқубовнинг оғу савдоси билан шуғулланишидан не мақсад бор эди? Бу саволларга нашадан олинадиган кайфу сафо ва мўмай даромад, дея жавоб бериш мумкин.

Судланувчи Маҳаматхон Яқубов Наманган шаҳар «Иссиқлик манбаи» корхонасида оператор бўлиб ишлар эди. У бир куни қарз олиш илинжида Бураматут кўчасига йўл солди. Дарвозани тақиллатгач, Собирхон ака унга пешвоз чиқди.

- Кел, Маҳаматхон, қандай шамол учирди? - сўрашди у билан мезбон.

- Асли сизни бир кўриш, қолаверса, иқтисодий қийинчилик-да, - сўз қотди Маҳаматхон у билан қуюқ салом-алик қилар экан.

Икковлон у ёқ-бу ёқдан гапиришиб ўтиришди. Сўнг меҳмон мақсадга кўчди.

- Шу десангиз, тирикчиликда оқсаб қолдим, пулдан қарз бериб турсангиз, деб келгандим.

- Бўлганида кошки эди, - жавоб қилди унга мезбон. - Пул деганингдан вақо ҳам йўқ.

- Йўғ-е, сиздек кишида-я, - ишонқирамади меҳмон.

- Бўлганида берардим, - гапни чўрт кесди мезбон.

Маҳаматхоннинг иши юришмаётганидан бироз диққати ошди. «Собирхон ака наша етиштириш ва уни истеъмол қилиш билан шуғулланар эди. Эҳтимол сотадиган нашаси бордир. Уни сотишда кўмаклашсам, ажабмас, пул ишлаб қолсам». Кейин у ўсмоқчилаб мезбондан сўради:

- Сиз илгари наша чекар эдингиз, эҳтиёт ғамлаб қўйганингиз бўлса, сотишда ёрдамлашаман.

Ҳеч ким билмайди.

Собирхон ака бу гапдан мамнун бўлиб кетди.

- Сенга ишонаман, ўзимизникисан, чиндан ҳам сотадиган наша бор, - деганича уй ичига қараб йўл олди.

Дам ўтмай мезбон 3 литрли шишани кўтариб чиқди.

- Мана бу — сен сўраган наша бўлади. Қуритиб майдаланган, деди.

- Гап мундоқ, - сўз қотди меҳмон мезбонга. - Мен харидор топиб, нашани 35 мингга пуллайман. Шундан 10 мингини менга берсангиз кифоя.

- Розиман, харидор топавер.

Ўзаро келишувдан сўнг Маҳаматхон нашага харидор излай бошлади. Қидирган топади, деганларидек харидор ҳам тезда топила қолди. 2000 йилнинг 10 феврал куни Маҳаматхон яшаб турган уйга бир киши келди. У ўзини Икром деб таништирди. Хуллас, Маҳаматхон унга оғу топиб берадиган, у оладиган бўлди. Икковлон наша бор уйга жўнади. Йўлда Маҳаматхон 10 минг сўмлик бўлишдан ўзида йўқ хурсанд борарди. Улар Ҳамза кўчасига етгач, харидор шу ерда кутиб қолди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Маҳаматхон танишиникидан сеткада атлас белбоғга ўралган бир нарсани кўтариб кела бошлади. У шифохона биноси олдидан энди ўтганида икки киши йўлини тўсди.

Суриштирувда уч литрли шиша ичидаги нарса кўкимтир рангли, ўткир ҳидли, қуритилган модда, яъни 435 грамм миқдоридаги «Марихуана» эканлиги маълум бўлди. Гувоҳлар иштирокида Маҳаматхоннинг кийимлари текшириб кўрилганида кўйлаги чўнтагидан оқ қоғозга ўралган соф оғирлиги 0,07 грамм «героин» ҳам чиқса бўладими. Шиша ва қоғоздаги заҳри қотил далилий ашё сифатида олинди ва гувоҳлар холислигида баённома тузилди.

Тергов жараёнида Собирхон ва Маҳаматхонлар ўз айбларига тўла иқрор бўлиб, жиноий ҳаракатларидан пушаймон эканликларини билдирдилар.

Наманган шаҳар суди бу икки оғуфурушнинг жиноий ҳаракатларини кўриб чиқди. Жиноятчилар тегишли жазо олдилар. Оқибатда ҳамтовоқларнинг кўп миқдорда пул топиш ҳақидаги хомхаёллари ана шу тарзда пучга чиқди.

**Эшондеда БУРҲОНОВ,**
**Наманган шаҳар судининг раиси,**
**Эркин ҚАМБАРОВ,**
**журналист**

Судья минбари

# ТОВЛАНАВЕРИБ МИСИ ЧИҚДИ

**Ҳалоллик кишининг зебу зийнати. У инсонга тинчлик, омонлик, кўнгилоромлик бағишлайди. Ҳалол одамнинг кўнгли тоза, уйқуси тинч бўлади. Бировнинг ҳақини еб, "ҳиқичоқ" тутиб ўтмайди. Ўзгага ёмонликни раво кўрмайди. Бундай инсоний хислатдан бенасиб шахслар эса... Наманганнинг Уйчи шаҳрида яшовчи Фарҳод Набиевнинг кўз олдини ёғ босди. У ҳаром йўл билан бойлик орттириш мақсадини кўзлади. Қандай қилиб дейсизми?**

**- Ўн тўққиз ёшни уриб қўйган бўлсаму ҳеч вақтим бўлмаса, бу қандай гап? - ўзича ўйга толарди у. - Иш жойимнинг ҳам тайини йўқ. Мен қаторилар "Нексия", "Дамас", бундоқлари "Тико"ни бошқариб, кўчаларда кўз ўйнатиб юришса-ю, мен туёғимни шиқиллатиб пиёда юрсам. Йўқ, бўлмайди!..**

**У ниятига эришиш йўлини қидира бошлади. "Ўғирлик қилсам, қўлга тушиб қамалиб кетаман, савдогарчиликнинг эса ташвиши кўп, эплай олмасам керак. Яхшиси... пулдорлардан бирини топиб туҳмат уюштираман-да, бўҳтон хати ёзиб, ундан пул талаб қиламан...".**

**У кўз остига бироз бойвачча ҳисоблагани — Ғуломжон Олимовни олди. "Бу кишида пул кўп, унга палончидан пора олгансан, далилий исботлар бор, пулни тайинланган жойга, белгиланган вақтда келтирмасанг, уйингни портлатиб юбораман, фарзандларингга ҳам ёмон бўлади, деб ёзаман" деди.**

**2000 йилнинг 16 февралида кун бўйи ўтириб, ўз дастхатини ўзгартириб дафтар варағига босма ҳарфларда Олимовга хат ёзди. Сўнггида 17 феврал кечқурун шаҳардаги Маданият саройи биноси яқинидаги жойга уч миллион сўм пул келтиришни талаб қилди. Хатни конвертга жойлаб, Ғуломжон яшаб турган уй дарвозаси тагига ташлаб келди. Кута бошлади.**

**Хатни даставвал хонадон соҳибаси Жамилахон Банаева топиб олиб, ўқиди. Сўнг эрига узатди. Эр-хотин ҳайратдан қотиб қолишди. Ахир, уйингни портлатаман деб туришса...**

**Ниҳоят, қатъий хулосага келишди. Милицияга хабар қилиш керак... Хатда кўрсатилган вақтда Ғуломжон Олимов ишлов берилган бир тахлам пулни олиб, хатда кўрсатилган жойга етиб келди. Улар учрашдилар. Сал ўтмай, учрашув иштирокчилари сафи кенгайиб кетди. Қатъий сўзлар, қўл кишан...**

**Тергов ҳаракатлари тез орада тугалланди. Жиноятчи мутлоқ фош этилди. Иши судга ошди. Уйчи туман суди Фарҳод Набиевни оғир жиноят содир этганликда айбли деб топиб, мол-мулкини мусодара қилиш билан ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Уйчилик товламачининг миси чиққани бу тоифа айрим ғаламисларга узоқ вақт сабоқ ўрнини ўтаса ажабмас.**

**Абдулмаҳмуд ТЎХТАБОЕВ,**
**Уйчи туман судининг раиси**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштириш кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"ги қароридан сўнг Наманган вилоятида ҳам бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда жамоатчи мухбиримизга вилоят адлия бошқармаси кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Камолиддин ОРИПОВ бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди.***

*Қарор ва ижро*

# ТАДБИРКОР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

- Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик, эркин фуқаролик жамияти қурилиши жадал кетаяпти. Иқтисодий ислоҳот амалга оширилмоқда. Фуқароларимизда хусусий мулкчилик ва унга хўжайинлик туйғуси шаклланмоқда. Бу яхши, албатта. Лекин айрим жойларда мулкдорларимиз олдида хусусий мулкчилик, маҳсулот ишлаб чиқариш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда сунъий тўсиқлар пайдо бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 феврал қароридан сўнг бошқарма ҳузурида кичик ва ўрта тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими тузилди. "Ишонч" телефони хизмати йўлга қўйилди. Бўлим режасига кўра шу йил 24 мартдан 10 майгача Янгиқўрғон, Косонсой, Уйчи, Учқўрғон, Норин, Чуст, Чортоқ, Мингбулоқ, Наманган ва Давлатобод туманлари ҳамда Наманган шаҳрида семинар-йиғилишлар ўтказилди. Йиғилишларда фермер-деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва тадбиркорларга адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Олимжон Нуриддинов, бўлим бош маслаҳатчиси Собиржон Болтабоевлар Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан чиқарилган қарорлари ҳамда тадбиркорлар фаолиятлари ҳақидаги қонунлар, уларга берилган имтиёзлар тўғрисида кенг тушунчалар беришди.

Вилоятимиз тадбиркорлари қонун томонидан ҳуқуқий ҳимояга олинганидан сўнг уларнинг ишончи бизга анча ошди. Буни бизга "ишонч" телефони орқали 50 дан ортиқ киши мурожаат қилганлигидан ҳам билса бўлади. Масалан, Поп туманидан хусусий тадбиркор "Роҳат" ошхонаси эгаси Маҳмуджон Мавлонов қўнғироқ қилиб, туман ҳокимияти унинг хусусий ошхона биносини бошқа жойга кўчирмоқчи эканлигини хабар қилганди. Биз туман ҳокимият мутасаддилари билан телефон орқали боғланиб, хусусий мулк дахлсизлиги қонунда белгилаб қўйилганлигини тушунтирдик. Қонун бузилишининг олди олинди. Учқўрғон туманидан хусусий тадбиркор Дилдора Тухфатиллаеванинг мурожаати сал бошқачароқ. У "Ғаллабанк" орқали имтиёзли кредит олмоқчи экан. Аммо иложини тополмаган. Суриштириб кўрилганда ҳақиқатан ҳам ўша пайтда банкда пул ресурси бўлмаганлиги аниқланди. Аралашилгандан сўнг пул ресурси бўлиши биланоқ Д.Тухфатиллаевага имтиёзли кредит бериладиган бўлди.

Бўлимга тушаётган ёзма аризаларнинг аксарияти якка тартибдаги хусусий тадбиркорлардан. Кўпчилиги айрим банкларга тегишли ҳужжатлар топширилганлигига қарамай, кредит ололмай қийналишаётганини ёзишган. Бунга Наманган шаҳридаги Ҳ.Маҳмудов директорлик қилаётган "Чимён" хусусий фирмасини мисол келтириш мумкин. Директор мурожаат хатида ўтган йил май ойидан бери "Бизнес фонд" йўналиши бўйича 3000000 сўм кредит пулини ололмаётганини айтиб, бу ҳақда кўмак берилиши сўралган. Фуқаро мурожаати ижобий ҳал этилди.

Умуман, адлия бошқармаси юқоридаги сингари мурожаатлардан келиб чиқиб, "Бизнес фонд", меҳнат бошқармаси, деҳқон-фермер хўжаликлари вилоят уюшмасига кредит олиш ҳақидаги аризалар рўйхатини сўраб сўровномалар чиқарди, қатъий тартиб ўрнатилишига эришди.

Хуллас, кичик ва ўрта тадбиркорларни, ишбилармонларни, мулкдорларни имтиёзлардан баҳраманд этиш ҳамда ҳақ-ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш кундалик ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олади.

**Тожиддин ҒОЗИЕВ**

*Талаба минбари*

# ДАСТУРЛАР АМАЛДА

Президентимиз олға сурган беш тамойилнинг бирида мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётида ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш назарда тутилган. Хусусан, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳам шу асосда, яъни уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич 1997-2001 йилларни ўз ичига олади. Ушбу босқичда кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий томонлари сақлаб қолиниб, уларни янада такомиллаштириш кўзда тутилади. Иккинчи босқич 2001-2005 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичда миллий дастуримизни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорини янада ривожлантириш ва реал ижтимоий-иқтисодий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда уларга аниқликлар киритиш, ўрта ва ўрта махсус мактабларни битираётганларни имкониятига, қобилиятига қараб, академик лицей ва коллежларга жойлаштиришни амалга ошириш лозимлиги назарда тутилган. Ҳозирда бу борада бирмунча самарали натижаларга эришилмоқда. Учинчи босқич 2005 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, кадрлар тизимини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришни назарда тутади.

1999-2005 йиллар учун ҳукумат дастурлари ишлаб чиқилган. Таъкидлаш лозимки, айни пайтда турли вазирликлар томонидан бир неча касб-ҳунар коллежлари ташкил қилинмоқда. Таълим тўғрисидаги қонунга мувофиқ, таълим тизимини қайта тубдан ислоҳ қилиш лозимлиги назарда тутилган. Таълим тизими бошқарув органлари, ўқув муассасалари раҳбарлари ва ходимларининг эътибори ушбу тизимни такомиллаштиришга ҳамда янги илғор технологияларни жорий этишга қаратилган.

Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида кадрлар масаласига тўхталиб: "Биз қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат барибир кадрлар ва яна кадрларга бориб тақалаверади, муболағасиз айтишимиз мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келиши ёки бошқачароқ айтганда, кадрлар тайёрлашимизга боғлиқдир", деб таъкидлади. Кадрлар тайёрлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Таълим тизимини ислоҳ қилиш кенг кўламда қонунчилик органи ҳамда ижро этувчи органларнинг долзарб масалаларидан биридир.



Синовлар арафасида...

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ёшлари кўплаб чет элларда ўқишмоқда, шу кунгача 500 дан ортиқ ёшлар "Умид" жамғармаси орқали хорижий давлатларда, хусусан, АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Франция ва Италиянинг энг номдор университетларида таҳсил олмоқдалар.

Кадрлар масаласи бўйича бизнинг Тошкент Давлат юридик институтимизда ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Фуқаролик ҳуқуқи, Жиноят ҳуқуқи, Халқаро ҳуқуқ фанлари бўйича олимпиадалар илмий-амалий конференциялар бўлиб ўтмоқда. "Умид" жамғармаси орқали 1997 йили 5 та талабамиз Германия, Англия, Япония, АҚШга магистр ва бакалавриат бўйича ўқишга кетди. Ҳар йили институтдан камида 2 нафар талаба чет элга ўқишга кетмоқда. Шу йил 6 нафар талабамиз хорижга ўқишга бориш арафасида.

Тошкент Давлат юридик институтининг Академик лицейи ўтган йил кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ташкил топди. Ҳозирги вақтда бу даргоҳда ёшларга пухта билим бериб келинаётир. Шунингдек, институтимиз қошида яқинда ташкил топган юридик маслаҳатхона ҳам фуқароларимизга хизмат кўрсатмоқда.

Келажак авлоднинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан баркамол, етук бўлиши давлатимизнинг келажакда қудратли ва мустаҳкам бўлишининг кафолатидир.

**Олим НАРЗУЛЛАЕВ,**
**ТДЮИ талабаси**

# "АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ" ЭКАН-ДА...

**Инсон — мулки олам ҳоқони. У олийжаноб фазилатлари билан дунёдаги барча жонзотлардан устундир. Афсуски, инсон зотига номуносиб иш қиладиганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Бизнинг Юнусобод даҳасида жойлашган турар жойимиз олдида болалар майдончаси доимо жажжи ўғил-қизлар билан гавжум. Болалик - беғубор давр. Инсоннинг энг шўх, анҳордай тошган палласи. Зотан, болаларга қарасангиз, уларнинг кўзидаги қувноқликни кўриб дилингиз яйрайди. Болаларнинг қалби поклиги ва ишонувчанлигидан баъзилар ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринишади. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳам шундай кишилар тўғрисида.**

**Гавжум болалар майдончасида ўғил-қизлар ўйнаб ўтиришганда уларнинг олдига 25 ёшлар чамасидаги аёллар келишади. Улар қизалоқлар билан саломлашгач, ўзларини "телевидение ходимаси" деб таништириб, қизалоқларни суратга олишларини айтишади. Қизалоқлар жуда хурсанд бўлишади. Ахир, нега хурсанд бўлишмасин, улар телевизорга чиқишади, бу ҳар бир боланинг орзуси.**

**Болаларнинг ишонганини англаган аёллардан бири қизалоқлар орасидан тўрттасини, яъни "тилла зиракли қизалоқларни" танлаб олиб, уларни шу даҳада жойлашган 302-мактаб олдидаги уйлардан бирида суратга олишларини айтади. Танлаб олинган тўртта қизалоқларнинг севинчлари чексиз, "синовдан" ўтолмаганлари эса уларга ҳавас билан қараб қолишади. "Телевидение ходималари" танлаб олинган қизалоқларни одамлар сийракроқ бир уйнинг 3 қаватига олиб чиқиб, зиракларини ечишларини буюради ва бу зиракларнинг ўрнига бир хил оқ кўзли катта зирак беришларини ваъда қилишади.**

**Қизалоқлар орзулар оғушида зиракларини ечиб, "эгасига" топширадилар. Бойликни осонгина қўлга киритган "телевидение ходималари" қизалоқларга биринчи қаватда суратга туширувчи анжомларини олиб келишларини айтиб, ғойиб бўладилар. Севинчлари чексиз қизалоқлар эса уларни кутиб чарчашади. Ниҳоят, алданганликларини сезишиб, йиғлай бошлашади. Чунки қизалоқлар ҳатто ўз уйларини қаерда эканлигини ҳам билишмасди. Хайриятки, яхши инсонлар уларни уйларига элтиб қўйишади.**

**Болаларнинг ёшлигидан, ишонувчанлигидан фойдаланиб, нопок ишга қўл урган аёлларнинг аёл деб атаб бўлармикан? Аёл дунёдаги мўътабар зотлардан бири, лекин бу товламачилар шундай деб саналишига ҳақлими? Бировларнинг ҳақи эвазига бойиш, бировнинг молига хиёнат қилиш имондан, инсофдан эмас, "Емоқнинг қусмоғи бор", деган мақолни халқимиз беҳуда айтмаган.**

**Қизалоқлардаги одамларга бўлган ишонч, беғубор кўнгиллардаги поклик чилпарчин бўлмадимикан? Сиз нима дейсиз азиз замондош?**

**Наргиза ФАЙЗИЕВА,**
**ТДЮИ II босқич талабаси**

*Жиноят ва жазо*

# ДИЁНАТНИ ЗИМДАН ЕМИРУВЧИЛАР

Халқимиз ўтиш даври ислоҳотларини муваффақиятли амалга оширишда ҳалол-покиза, юксак маънавиятли инсонларга таянади. Фуқароларни маънавий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашда, уларда қонунга ҳурмат туйғуларини шакллантиришда ҳуқуқ-тарғибот органлари ходимларининг масъулият ва бурчлари жуда катта. Афсуски, олиб борилаётган ҳуқуқий-тартибот ишларига қарамасдан, қонунбузарлик, жиноятчилик содир этилиб турибди. Айниқса, гиёҳванд моддаларни сақлаш, сотиш ва истеъмол этиш ҳолатлари бизни ташвишлантиради. Энг ёмони, бу номаъқул ишлар билан ёшлар ҳам шуғулланишмоқда.

Мисолларга мурожаат қилайлик: Жумабозор қишлоғида яшовчи 1969 йилда туғилган Михли Имомов уйидаги жавон устига халтачага солинган героинни яшириб қўяди. Тинтув ўтказилганда ички ишлар ходимлари бу "ажал ҳапдориси"ни топишди ва жиноятчи судда айбига иқрор бўлди. М.Имомов уч йил муддатда озодликдан маҳрум этилди.

Камолиддин Ашуров эса эндигина 19 ёшга тўлган. У шу йилнинг 9 март куни 4,2 грамм қорадорини пиёз юкланган "КамАЗ" машинасига яшириб, Нукус шаҳрига йўл олганида туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан тўхтатилади. Синчиклаб текширув ўтказилганда заҳри қотил солинган қопнинг оғзи очилиб, Камолиддиннинг жиноий хатти-ҳаракатига чек қўйилади. Унга жазо тайинлаш пайтида суд, ўз айбига иқрорлиги, биринчи марта судланаётгани, маҳалла қўмитаси ва иш жойидан берилган тавсифномалар, оилавий шароити ҳисобга олиниб, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинди. Унинг ойлик иш ҳақидан 30 фоизи ундирилиб, жазо иш жойида ўталадиган бўлди.

Буни қарангки, нафақат тумандошларимиз, балки бошқа вилоятлардан келган "меҳмон"лар ҳам гиёҳванд моддалар савдосига ружу қўйишган экан. Хоразм вилоятининг Хонқа туманида туғилган Шавкат Зарипов 1999 йил 29 ноябрда 22 грамм опий моддасини яшириб, туман ҳудудидан ўтаётган пайтда қўлга тушди. Туман суди Ш.Зариповнинг ўз қилмишидан пушаймонлиги, қарамоғида 4 нафар боласи борлигини инобата олиб, Жиноят Кодексининг 276-моддаси 2-қисмини қўллади ва уни 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Ҳали чорак аср ҳам яшаб улгурмаган Жасур Қаюмов қўшни Ургут туманининг Мирзабоғлон қишлоғидан. У қонунга хилоф равишда иш тутиб, шу йил 15 январ куни 9,2 грамм опий моддасини яшириб, "Чеп" божхона масканидан олиб ўтаётганда қўлга тушди. Туман суди судьяси Н.Ўринбоев раислигида ўтган очиқ суд мажлиси унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 25-273-моддаси 5-қисмига асосан 11 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини белгилади.

Тожикистон Республикаси фуқароси Эшмурод Шодмонов ҳам заҳри қотилни республикамиз ҳудудига олиб ўтиб, мўмай фойда кўришни кўзлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси чегарачилари Э.Шодмоновни тўхтатиб, текширувдан ўтказишди ва ундан рўмолга ўроғлик, полиэтилен халтачага солинган 300 грамм героин моддасини тортиб олишди. Суд ҳукмига кўра бу жиноятчининг мол-мулки мусодара қилиниб, ўзи 15 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Кўриниб турибдики, жиноят учун жазо муқаррар. Енгил-елпи, жиноий йўллар билан пул топишга уриниш, гиёҳванд моддалар тарқатиш билан кишилар бахти, соғлиғига зомин бўлиш, ёшларни нашавандлик балосига гирифтор этиш, жамият асосига зарба бериб, инсоф-диёнатни, оқибатни зимдан емирадиган қабиҳ жиноятлар сирасига киради. Бундай нопок одамларга орамизда жой бўлмаслиги керак.

**Шуҳрат РАҲИМОВ,**
**Тойлоқ тумани прокурори,**
**1-даражали ҳуқуқшунос**



Тошкент шаҳар Ички Ишлар Бош бошқармаси милиция ходимлари - Виктор ПАК ҳамда наряд бошлиғи, милиция катта сержанти Абдураҳим АТЕМОВлар Адлия Вазирлигидаги постларда ўз хизмат фаолиятларини давом эттирмоқдалар.

Суратда: сергак посбонлар ўзаро мулоқотда.

Шавкат АКРОМОВ олган сурат

Хотира

# "МЕН ЭРТАГА ЯШАШИМ УЧУН СЕНИ БУГУН КЎРМАСАМ БЎЛМАС..."



Бу гўзал дил изҳорини қўшиққа солиб ижро этган ва шу сатрлар орқали ўз қувончу дардини мухлисига юқтира олган суюкли хонандамиз бугун орамизда йўқ. Ўзига хос ижод йўлига эга бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Охунжон МАДАЛИЕВнинг орамиздан бевақт кетганига ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди. У миллионлаб қалбларга ўз қўшиқлари орқали дард, соғинч, муҳаббат, ишқ бўлиб кирди. Ўз такрорланмас умрини эл-юрт, Ватан, жонажон халқи учун бахшида этди. Хонанданинг ҳар бир янги қўшиғи ўзбек хонадонига қўшиқ сеҳри ва жозибасини олиб кирди. Севишган диллар унинг хиргойисидан севинч ва висол ҳиссини туйдилар. Энг асосийси, унинг ашуласи ҳеч кимни бефарқ қолдирмасди.

Охунжон Мадалиев бундан роса ўн йил бурун Олтиариқнинг мўъжаз бир қишлоғидан Тошкентга, биринчи бор ташкил этилган "Камолот-89" қўшиқ-конкурсига келиб, ғолиб бўлганди. Ўша танловдан кўп ўтмай, у "Халқлар дўстлиги" саройида биринчи концертини берди. Чипталар "қўлга" чиқиб кетди. Ҳамманинг оғзида "Кўнглимда бир ёр, қўйнимда бир ёр" қўшиғи. Шу-шу хонанда аста-секин машҳурлик пиллапоясига кўтарила бошлади, санъатнинг соҳир чўққиларини забт этишга киришди. "Саҳнадо ҳеч кимни алдаб бўлмайди", дерди у.

Унинг овози ҳазинроқ, ҳатто айрим ўринларда йиғлоқироқ эшитилар, дил торини чертиб ўтарди. Ҳатто унга ўхшатиб ашула айтувчилар ҳам кўпайди. Кучли овозга қараганда ҳорғинроқ ва дардчил овоз тезроқ одамларни ўзига тортса керакки, унинг ашулалари миллион-миллион қалбларни ўзига ром этди. Хонанданинг ижоди гуллагандан гулладики, у ҳеч қачон эл назаридан тушмади. Халқимизга унинг дилрабо қўшиқлари хотира бўлиб қолди.

Охунжон Мадалиев ҳар бир концертидан сўнг мухлисларига фақат бир чети йиртилган патта эмас, балки қўшиқчининг кассетаси, дастхати туширилган сурати, тақвим-плакати, у ҳақдаги суратли китоблар ҳам эсдалик бўлиб қолишини орзу қиларди. Қалбида бундан-да юксак орзулари бисёр эди. Лекин...

Оллоҳнинг иродаси. Касаллик туфайли у жуда эрта орамиздан кетди. Яратган эгам унга икки дунё саодатини берган бўлсин!

Адиба ҲАМРО қизи

SPORT

# ПОЛВОНЛАРИНГ КЎПАЙСИН, ЮРТИМ!

Анталияда бўлиб ўтадиган кураш бўйича II-жаҳон чемпионатига ҳам саноқли кунлар қолди. Бутун дунё бу катта тантанани интиқлик билан кутмоқда.

Ҳалқаро Кураш Ассоциацияси хабарларига кўра ҳозиргача йигирмага яқин давлатлардан иштирок этувчи полвонлар рўйхати аниқланган. Ҳаммамизга маълумки, Тошкентда бўлиб ўтган I-жаҳон чемпионатида бизнинг полвонларимиз энг юқори натижаларни кўрсатишган эди. Балки шунинг учундир бизнинг полвонларимизга алоҳида эътибор билан қарашмоқда ва ўзбек курашини юқори даражада ўрганаётган давлатлар сони кўпайиб оммавийлашиб бормоқда.

Анталия сафарига республикамизнинг энг сара, кучли полвонлари танлаб олинди. Улардан 73 кг вазн тоифасида Маҳтумқули Маҳмудов, 90 кг да Баҳром Авезов ва 90 кг дан юқори вазн борасида Эрали Маҳмарасулов, қизларимиздан эса, 63 кгда Марина Михеевалар иштирок этишади. 21-июндан 12-июлгача полвонларимиз жиддий машғулотларни ўтказишлари режалаштирилган.

Кураш-мардлар, кучлилар беллашувидир.

Бу эса полвонларимиздан катта жисмоний ҳамда руҳий тайёргарликни талаб қилади.

Курашчиларимизнинг руҳий ҳамда жисмоний тайёргарлиги борасида тўхталар эканмиз, қадим-қадимдан давом этиб келаётган анъанавий мардлик ва поклик курашида катта анъаналарга эгалигини қувонтиради. Паҳлавон Маҳмуд сингари мард ва довюрак зотларнинг биз келажак авлодларга қолдирган ибрати унда Ватан ишқидан тортиб, соф кўнгилли қалбларнинг номардлик ва разолат устидан эришган соф ғалабалари мужассамдир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбек курашининг янада улуғворлик билан дунё майдонларига чиқиши, курраи заминимизда яшовчи барча миллат вакллари қалбидан чуқур жой олиши шубҳасиздир.

Нигора ТУРСУНЗОДА



# ОЛИЙ ТАБАҚА ЖАМОАЛАРИ ТАНАФФУСДА



**Ниҳоят Ўзбекистон чемпионати олий табақа жамоалари ўртасидаги биринчи давра учрашувлари ниҳоясига етиб, иккинчи давра ўйинларининг биринчи турига ҳам старт берилди. Бу турда кутилмаган натижалар қайд этилмади.**

**Турнир пешқадами "Дўстлик" жамоаси Тошент вилоятининг яна бир вакили "Кимёгар" устидан сафарда 3:2 (2:0) ҳисобида ғалаба қозониб, очколари сонини 50 тага етказди.**

**"Самарқанд-Д" жамоаси ўз майдонида Навоийнинг "Зарафшон" жамоасини йирик ҳисобда (6:0) доғда қолдирди. Бу ўйинда Усмонхўжаев ва Мухаммадиевлар дублга эришдилар.**

**Қаршининг "Насаф" жамоаси ноқулай рақиби қўшни вилоятнинг "Сурхон" жамоасини қийинчилик билан мағлубиятга учратди. (1:0). "Пахтакор" ниҳоят ғалаба нашидасини сурди. Улар Ангреннинг "Семурғ" жамоасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида ғолиб келишди. 1-дақиқада меҳмонлар хужумчиси Ф. Шариповнинг голига пахтакорчилар иккинчи бўлимда иккита гол билан жавоб бердилар.**

**"Нефтчи" жамоаси Андижондаги мағлубият аламини олди. Меҳмонда жавобсиз икки тўп ўтказиб юборган фарғоналиклар ўз майдонларида фақат ғалаба учун тўп сурдилар. "Нефтчи" жамоаси қийинчилик билан бўлсада ўз ниятларига етдилар.**

**Қолган ўйинлар қуйидаги натижалар билан якунланди.**

**"Хоразм"-"Турон" 2:0, "Металлург"-"Трактор" 3:1, "Суғдиёна"-"Гулистон" 0:1, "Бухоро"-"Қизилқум" 2:1**

**Шундай қилиб олий табақа жамоалари бир ойлик таътилга чиқдилар. Шу кунларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Ливандаги Осиё чемпионати финал босқичига тайёргарлик кўриш учун Хитой давлатига жўнаб кетади. У ерда бир неча ўртоқлик учрашувлари режалаштирилган. Терма жамоамизга "Нефтчи" жамоаси устози Ю. Саркисян бош мураббий этиб тайинланди.**

***

**Куни кеча Ўзбекистон кубок ўйинлари финал босқичи бўлиб ўтди. Пахтакор марказий стадионида Тошкент вилоятининг "Дўстлик" ва Самарқанднинг "Самарқанд-Д" жамоалари ўзаро беллашдилар. Қизғин ўтган бахсда Тошент вилояти вакиллари 4:1 ҳисобида устун келдилар. Шундай қилиб Ўзбекисттон кубогининг янги соҳиби "Дўстлик" жамоаси халқаро арэналарда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. ДЎСТЛИК | 20 | 16 | 2 | 2 | 54-22 | 50 |
| 2. САМАРҚАНД-Д | 20 | 15 | 1 | 4 | 51-21 | 46 |
| 3. НАСАФ | 20 | 12 | 6 | 2 | 39-22 | 42 |
| 4. НАВБАҲОР | 20 | 12 | 5 | 3 | 49-24 | 41 |
| 5. НЕФТЧИ | 20 | 11 | 6 | 3 | 35-20 | 39 |
| 6. БУХОРО | 20 | 10 | 3 | 7 | 25-23 | 33 |
| 7. СУРХОН | 20 | 9 | 5 | 6 | 34-29 | 32 |
| 8. СЕМУРҒ | 20 | 9 | 4 | 7 | 35-26 | 31 |
| 9. АНДИЖОН | 20 | 7 | 7 | 6 | 35-27 | 28 |
| 10. ПАХТАКОР | 20 | 7 | 4 | 9 | 29-32 | 25 |
| 11. ТРАКТОР | 20 | 7 | 3 | 10 | 25-24 | 24 |
| 12. МЕТАЛЛУРГ | 20 | 6 | 5 | 9 | 20-29 | 23 |
| 13. СЎҒДИЁНА | 20 | 6 | 4 | 10 | 19-30 | 22 |
| 14. ЗАРАФШОН | 20 | 6 | 4 | 10 | 16-37 | 22 |
| 15. ҚИЗИЛҚУМ | 20 | 5 | 6 | 9 | 18-30 | 21 |
| 16. ГУЛИСТОН | 20 | 6 | 2 | 12 | 26-37 | 20 |
| 17. ХОРАЗМ | 20 | -4 | 5 | 11 | 16-27 | 17 |
| 18. КИМЁГАР | 20 | 3 | 7 | 10 | 16-32 | 16 |
| 19. ТЕМИРЙЎЛЧИ | 20 | 3 | 4 | 13 | 26-48 | 13 |
| 20. ТУРОН | 20 | 2 | 5 | 13 | 16-44 | 11 |

## ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Яккасарой туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси К.Ғиёсова номига берилган 000081 рақамли лицензияни бекор қилди.**

**Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2000 йил 29 май ажрими билан "VALZERG. R" масъулияти чекланган жамият банкрот деб эътироф этилганлиги боис кредиторлар йиғилиши 2000 йил 6 июл соат 10 да Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 95-уй ДСИ биносида бўлади.**

**Тел: 137-51-75.**

# ГИННЕС ШОУ

## МАШИНКАДА ЁЗУВ

**АҚШнинг Нью-Йорк штатида 1941 йилда Маргарет Хамма электр машинкада бир соат мобайнида 9316 сўз (40 та хато билан) ёзди. Унинг ўртача тезлиги бир минутда 149 сўзни ташкил этган.**

## САНОВЧИ БОЛА

**Джордж Паркер Биддер (1806-1878) "сановчи бола" номини олган. У 10 ёшида ўқиш ва ёзишни ўрганган. Лекин бу ёшда у бирданига 43 сонни бир маротаба ўқиб, уларни бир соатдан сўнг айтиб бера олган. У олти минут давомида иккита тўққиз рақамли сонни оғзаки кўпайтириб беролган.**

## МАЙК ТАЙСОН

**Энг ёш чемпион — Майк Тайсон. 1986 йил 22 ноябрда АҚШнинг Лас-Вегас, Невада штатида 20 ёшу 144 кунлик Майк Тайсон Бутун жаҳон бокс кенгаши чемпионатида Тревор Бербик устидан ғалаба қозонди. 1987 йил 7 мартда у Бутунжаҳон бокс ассоциациясининг чемпионлик унвонини эгаллаган. Тони Таккер устидан 1987 йил 2 августда ғалаба қозониб, мутлоқ жаҳон чемпиони бўлди.**

## ЛИТТЛ ПАМПКИН

**Энг кичик от Литтл Пампкин (АҚШ, Жанубий Каролина штати, "Делла терра" хўжалиги) эканлиги маълум бўлди. 1975 йил 30 ноябрда унинг бўйи 35,5 см, оғирлиги 9 кг.ни ташкил этган.**

## ЭНГ КАТТА ВА МИТТИ ҚУШ

**Қайд қилинишича, Африка эркак страусларининг бўйи 2,74 см.гача етаркан. Кубада ва Пинос оролларида яшайдиган Колибри эркагининг вазни 1,6 грамм, узунлиги эса 5,7 см.га тенг. Лекин улар танасининг тенг ярим қисмини дум ва тумшуғи ташкил қилади. Урғочилари эса бироз йирикроқ.**

## ЭНГ КАТТА ТИМСОҲ

**Осиё ва Тинч океанида кенг тарқалган букрисимон тимсоҳ судралиб юрувчиларнинг энг йирик вакили ҳисобланади. Индия, Бхитарканина қўриқхонасида ана шундай йирик тўртта тимсоҳ бор. Булардан энг йиригининг узунлиги 7 метрдан ошади.**

## БАҲАЙБАТ ЧИГИРТКА

**Малайзия ва Тайланд чегарасида тутиб олинган чигирткaнинг (тури аниқланмаган) узунлиги 25,4 см бўлиб, унинг ҳар бир сакраши 5 метрни ташкил этган.**

Улуғбек Дўсматов тайёрлади

# ИЮЛ ОЙИ СИЗГА НИМАЛАРНИ ВАЪДА ҚИЛАДИ?

**ҚЎЙ.**

Бу ойда ҳеч қандай тўсиқларсиз орзуларингиз рўёбга чиқади. Ўйлаб иш юритиб, қатъият билан олға ҳаракат қилсангиз олдингизга қўйган мақсадларингизга осонгина эришасиз. 20-дан кейин атрофингиздагиларнинг сизга бўлган дўстона муносабати дилингизни равшан қилади. Ойнинг охирига бориб эса тасодифий танишув ҳаётингизни тубдан ўзгартириб юборади.

Омадли кунлар: 1, 2, 14, 27.

Омадсиз кунлар: 3, 29.

**БУЗОҚЧА.**

Ойнинг дастлабки кунлариданоқ омад сизга кулиб боқади. Энг оғир муаммоларингиз ҳам тезда ечимини топади. Хаёлингизни эса оташин севги ва муҳаббат туйғулари банд этади. 17-да умр йўлдошингиз билан орангизда тушунмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Уни тушунишга ҳаракат қилинг. Ота-оналарингизни аралаштириб ишни янада чигаллаштирманг.

Омадли кунлар: 1, 5, 17, 20.

Омадсиз кунлар: 2, 25.

**ЭГИЗАКЛАР.**

Июл ойининг ўртаси ҳордиқ учун қулай. Худди шундай бўлади ҳам. Эгизакларнинг барчаси учун бу ой осойишта, сув қуйгандек жимжит ўтади. Ҳаётингизда кескин бурилиш ясайдиган ишга қўл уриш хоҳиши пайдо бўлади. Бироқ бу сизнинг қўлингиздан келмаслигига дарҳол амин бўласиз.

Омадли кунлар: 2, 4, 16, 24.

Омадсиз кунлар: 3, 15.

**ҚИСҚИЧБАҚА.**

Бу ойда кўпгина эзгу ниятларингиз рўёбга чиқади. Чунки бу ой сизнинг таваллуд ойингиз-да! Сизга эътиборли кишининг қўллаб-қувватлаши катта имкон туғдиради. Айни чоқда ўз истиқболингиз ҳақида ўйлайдиган пайт. Тақдир сизга қайси йўлдан юриш, қайси касбни танлашни шипшитиши ҳам шубҳадан ҳоли эмас.

Омадли кунлар: 6, 11, 15, 27.

Омадсиз кунлар: 5, 17.

**АРСЛОН.**

Сизга аҳамиятсиздек туюлган, ёдингиздан кўтарилаётган ишларингиз самара бера бошлайди. Режа билан олға киринг. Ғалаба сиз томонда бўлади.

Ойнинг ўрталарига бориб эса эҳтиётроқ бўлиб иш юритишингизга тўғри келади. Ҳис-туйғуларга берилманг!

Омадли кучлар. 5, 16, 19, 26.

Омадсиз кунлар: 2, 17.

**ПАРИЗОД.**

Сизнинг мафтункор чеҳрангиз ой давомида атрофингиздагиларнинг диққат-эътиборини жалб этади. Ойнинг боши кўнгилочар учрашувлар, қизиқарли онларга бой бўлади. Кўнгилхушликларга муккангиздан кетманг. Сиз томондан содир этилган енгилтакликлар нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳар нарсани дилингизга олманг.

Омадли кунлар: 1, 10, 19, 25.

Омадсиз кунлар: 12, 26.

**ТАРОЗУ.**

Яқинларингиз ҳамда танишларингиз билан боғлиқ муаммолар ойнинг бошида сизни бироз гангитиб қўяди. 8-дан кейин ўзингиз ҳақингизда қайғуринг. Барча ташвишларни унутиб, асабларингизга дам бериб, яхши ҳордиқ чиқаришга ҳаракат қилинг.

Омадли кунлар: 2, 6, 17, 19.

Омадсиз кунлар: 5, 18.

**ЧАЁН.**

7-да ушбу бурж остида туғилганларни ажойиб танишув кутади. 15-да ўта муҳим бўлган ишларни режалаштира кўрманг. Юлдузлар худди шу куни кўзлаган режаларнигиз амалга ошиши мушкул эканидан хабар қиладилар. 19-дан кейин эса барча муаммоларингиз секин-аста ўз ечимини топа бошлайди.

Омадли кунлар: 2, 13, 19, 21

Омадсиз кунлар: 3, 15.

**ЎҚОТАР.**

Ойнинг бошидан ҳамёнингиз пулга тўлади. Кайфиятингиз аъло даражада бўлади. Қўрқмасдан ҳамкорингиз билан кўзлаган режаларингизни амалга оширишга киришинг. Юлузларнинг башоратича, ойнинг бошидан ишчанлик қобилиятингиз юқори бўлади.

Омадли кунлар: 5, 18, 21, 27

Омадсиз кунлар: 6, 17.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.**

Июл ойининг биринчи ҳафтаси сизга сархуш кунларни ҳадя этади. Қўлингизга пул тушади. Кимлар билан дир кўнгилочар жойларда дам олгингиз, қандайдир ютуқли ўйинларда қатнашиш ҳисси пайдо бўлади. Бу ҳол ҳафтанинг охиригача давом этади.

Омадли кунлар: 2, 17, 21, 29

Омадсиз кунлар: 5, 18.

**СУВЧИ.**

Ҳар хил шубҳа-гумонларга бориб, кўнглингизга яқин бўлган кишини ноҳақ хафа қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлинг. Ҳис-туйғуларга берилмай, ўзингизни қўлга олиб, ўйлаб иш қилинг.

6-га бориб тушунмовчиликлар ортда қолиб, яна бахтли онларингиз бошланади. Ойнинг ўртасида қандайдир қийин ишни бажаришга киришасиз ва уни хайрли якунлаб, касбдошларингиз олқишига сазовор бўласиз.

Омадли кунлар: 3, 13, 14, 25.

Омадсиз кунлар: 6, 28.

**БАЛИҚ.**

Ойнинг бошидаёқ ҳаётингиз тубдан ўзгартириш мақсадида ишонч билан ҳаракат қиласиз ва бунга эришасиз. 8-да руҳан тушмасликка ҳаракат қилинг. Шароит шуни тақозо этади. 12-даги кутилмаган танишув баъзи ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни ёдингиздан чиқиб кетишига сабаб бўлади.

Омадли кунлар: 2, 11, 21, 24.

Омадсиз кунлар: 2, 15.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-546 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди

Навбатчи: О.ХУДОЙБЕРДИЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 1.
Тел: 133-24-[illegible]
132-14-[illegible]
«Инсон ва қонун» газетаси 199[illegible] йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

